



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 8-dekabr, №49 (1038)

Бош прокуратурада

Тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Ўлугбек МАМАРАЖАБОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий Конституциямизнинг қабул қилиниши республикамиз ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа сифатида тарих саҳифаларига кирди. Шу муносабат билан 8 декабрь ҳар йили мамлакатимизда Конституция кун сифатида кенг нишонланади. Бу йил ҳам Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 24 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг тантана қилинмоқда. Ана шу шонли санага бағишланган байрам тадбири Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.

Президентининг 2016 йил 25 августдаги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонуничлиқни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Илхом Ачиллов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" Фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурорининг биринчи ўринбосари Эдуард Цой "Дўстлик" ордени, Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси Джохонгир Юсупов "Жасорат" медали, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Саидлазиз Саидкаримов, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Эркабой Тажиев, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Вячеслав Пак "Содиқ хизматлари учун" медали, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Джохонгир Мирсафаев, Наманган вилоят прокурорининг ўринбосари Бахтиёржон Худайбердиев, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Барно Дадаходжаева, Қизилқум туман прокурори Уктамбой Юсупов ҳамда Каттақўرғон шаҳар прокуратураси катта нозир Рано Адашбековалар "Шўхрат" медали билан тақдирланган эдилар. Тадбирда Бош прокурор томонидан номлари тилга олинган прокуратура ходимларига давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, у мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида прокуратура органларига юкланган масъулиятли вазифаларини бажаришда алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган масалаларга тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтиб, улкан муваффақиятларга эришди. Бунинг тасдиғини юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликда, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфасида кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбари томонидан прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти юқори баҳолаб, ҳар йили ходимларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланмоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принциплари асосида очик ва ошқор ўтказилганини таъкидлади.

— Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатиға киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлиғидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиғи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов жараёнини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссияси сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчилардан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси 4 декабрь кунини овоз бериш якунланган, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиё-



сий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етганича танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421 минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновга 669 минг 187 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Маждидович Умаровга 619 минг 972 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонди.

Брифингда айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётганини маълум қилинди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиқлаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан чекиртирилмай, яъни 2016 йил 14 декабргача Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА



Ҳурматли юртдошлар!

2017 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АҚ ва барча почта алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр индекси 231

Ҳуқуқий маданиятнинг бош мезони

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, биринчи навбатда, давлат ўз суверенитетини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашни асосий вазифа, деб билди. Бунга 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тарихга назар солсак, ҳар бир халқ ўз эрки, шаъни, кадр-қиммати учун курашгани, демократик давлат куриш ҳар бир халқнинг азалий орузи бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Айтишларича, Пифагорнинг шогирди Ксенофилдан бир киши "Нима қилсам, ўғлимни яхши тарбиялаган бўламан", деб сўраганида, Ксенофил унга "Ўғлингнинг қонун устувор бўлган мамлакатда туғилишига ҳаракат қил", деб жавоб берган экан. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қайси мамлакатда қонун ва адолат устун бўлса, ўша юртининг фарзандлари ҳақиқий комил инсон бўлиб воёга етади. Бунинг исботи сифатида истиқлолнинг ilk йиллариданоқ инсонпарварлик, демократик, ҳуқуқий давлатнинг устуни бўлган Конституциямизни қабул қилдик. Конституцияда давлат келажиги, халқимизнинг тақдирини белгилаб қўйилган. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури махсули бўлиб, унда халқнинг иродаси, ижтимоий онги ва маданияти акс этади.

Ўзбекистоннинг муқаддас тупроғида яшаб турган ҳар бир инсон бугунги кунда Конституциянинг ҳаётимизга таъсирини ҳис этмоқда, унга асос қилиб олинган инсонпарварлик руҳидаги адолат, озошлик ва тенгҳуқуқлик ғояларини кундан-кунга рўёбга чиқармоқда. Ҳозирги ва келгуси авлодлар Конституция ижодкорларини юксак кадрлаштириш шубҳасиз. Улар мамлакатимизнинг Асосий Қонунини ишлаб чиқишда Ватан тақдирини унун улкан масъулиятни ҳис этиб, ҳар бир консти-

туциявий норма замирида миллионлаб одамларнинг тақдирини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турганини билдирган ҳолда ёндошганлар.


Конституциямиз йирик давлатлар ва жаҳон ташкилотларининг халқаро соҳада юксак эътибор қозонган ҳуқуқшунослари ўртасида "демократик конституциявий қонунчиликнинг намунаси", деб тан олинган.

Конституция Ўзбекистон фуқароларига демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берди.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий янги демократик қадриятлар, тамойиллар ва ғоялар кириб келди: "суверен давлатчилик", "инсон ҳуқуқлари устуворлиги", "фуқаролик жамияти", "қонун устуворлиги", "хусусий мулк дахлсизлиги", "ҳар кимнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи", "давлат ҳокимияти тақсимланиши", "сиёсий плюрализм" шулар жумласидандир.

Конституциямизда ўз ақлини топган ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни босқичма-босқич, изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси давлат идораларининг тўғри ва аниқ ишлашларида намён бўлади. Улар фаолиятидаги бугунги



кундаги асосий масалалардан бири кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, назоратни ва бошқарувни тўғри ва илмий асосланган ҳолда ташкил қилиш, кадрлар фаолияти устидан назоратнинг таъсирини ва самарасини кучайтиришдан иборатдир.

Қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим кафолати сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва юксак интеллектуал салоҳияти жамиятини шакллантириш изчил давом этаётган бир шарафлиқ қоридидаги фаолиятнинг долзарблиги янада ошмоқда.

Конституциямизнинг энг катта ва муҳим қисми бу инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиmdir. Мазкур бўлимнинг Х боби эса айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг

кафолатларига (43-46-моддалар) бағишланган. Жумладан 43-моддада: "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди", деб белгиланган.

Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар олдидан давлат органлари масъулиятининг белгилаб берилиши ҳам конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради. Шундай вазифалар суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ҳам юкланган. Хусусан, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 2, 4, 24-моддаларида прокуратура органларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифалари юкланган.

Эътибор берган бўлсангиз, Конституциямизнинг 24 та моддаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигига, 4 та модда уларнинг кафолатига бағишланган бўлса, 6 та модда фуқаролар бурчларига, шунингдек, давлат бошқарув органларининг фуқаролар ва жамият олдиданги масъулиятларига бағишланган.

Абдуҳамид МАННАНОВ,
Паркент туман прокурори

Энг асосийси, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ҳам Конституциямиз меъёрларига тўлалигича сингдрилган. Бош қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ўзида акс эттирган.

Яна бир жиҳат: ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида дастуриламал бўлаётган Конституциямизда бой миллий ҳуқуқий меросимиз ва илгор хорийжий конституциявий тажриба мўжасам. Биргина мисол, унда маҳалла институтига конституциявий маком берилишининг ўзиде миллий ҳуқуқий меросимиз тўла акс этганидан далолат беради.

Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини аҳолига ва айниқса, ёшларга тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан берилган раҳбарий кўрсатмалар ижросини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва ташкилотларнинг ўта масъулиятли вазифаси эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Конституциямизда муҳрлаб ва мустақамлаб қўйилган демократик ривожланиш йўли ҳуқуқ ва эркинликларнинг умумэтироф этилган асосий принципларига, қолаверса, мамлакатимизнинг тарихий, миллий, диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарошига асосланади. Шундай экан, халқимизнинг хоҳиши-иродаси билан танлаб олинган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун Конституция асосий маёқ вазифасини ўтайди.

Бахтли келажак кафолати

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституцияси халқ иродаси, ижтимоий ва сиёсий онги, маънавияти, руҳиятини ўзида акс эттириб, халқаро талабларга мос равиша ижтимоий адолат тамойиллари ва миллий давлатчиликнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Асосий Қонунимиз демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизларини мустақамловчи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қондаларига монандидир. Энг асосийси, мустақил республикамиз Конституцияси ўз она тилимизда ёзилди. Конституциямиз жамиятимиз фуқароларининг дунёқароши, турмуш тарзи, тафаккурини белгилаб берадиган муносабатлар мезони ҳисобланади. Ана шу мезон ўзбек халқининг бахтли келажиги кафолатидир.

Шундай экан, мамлакатимиз Конституцияси давлатимизнинг суверенитетини, қонунни ҳурмат қилиш ва унга онгли равишда итоат қилиш принциплари ривожининг ёрқин тимсоли ҳисобланади. Конституциямизда азиз Ватанимиз тараққиёт йўли ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу ҳужжат халқимизнинг тарихий ҳуқуқий манбаларини ташкил қиладики, улар ҳозирда ҳам мамлакатимизда турли ҳуқуқий тизимлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Халқимизнинг тарихий тараққиёт йўли қонун устуворлигига эътибор анъанавий тусда бўлганлигини кўрсатиб бермоқда. Энг қадимий даврдан тортиб, темурийлар давригача ва ундан кейин пайдо бўлган давлатчиликда ҳам турли қонун-қоида,

тартиблардан фойдаланилган. Жамиятда қонунга, тартиб-интизомга риоя қилиш инсонни маънавий етуқликка чорлаши, энг асосийси, миллий тотувлик тамойиллари ҳақида буюк аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Ҳазрат Навоий каби алломаларимиз ўз ўғит ва ҳикматларида айтиб ўтганлар. Шу боис ҳам Конституциямиз фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари, уларнинг тенглиги, тотувлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Унда жорий этилган нормаларда ҳам фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқлари қайд этилган бўлиб, ушбу ҳуқуқларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши бевосита белгилаб берилган. Ана шулар асосида мам-

лакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, амалда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқнинг иродаси, ижтимоий ва сиёсий онги, маънавияти, руҳиятини ўзида акс эттиради, у ўзида умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари асосида халқнинг ижтимоий тафаккури ва маданиятини ифодалайди.

Ҳар бир давлат мустақам асос сифатида ўз Конституциясини қабул қилар экан, унда асосий эътиборини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратади. Мақтовга сазовор жиҳатлардан яна бири — Асосий Қонунимиз барча ижтимоий воқеликда бўлгани каби ўзбек юридик тилининг ривожини учун ҳам янги имконият, шароитлар яратди.

Она тилимизда тайёрланган ва қабул қилинган давлатимиз Конституцияси миллий тарихий қадриятларимиз тажрибаларига таяниб, ишлаб чиқилган. Асосий Қонунда қонунларнинг мазмун-моҳияти ёрқин ифода-лаб берилган, матнлар юридик тил

Гулнора ҒУЛОМОВА,

Тошкент Давлат юридик университети доценти

ва услуб жиҳатидан жуда тўғри тузилган бўлиб, унда лингвистик талабларга тўлиқ амал қилинган. Конституцияда ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, миллий руҳият, жаҳон цивилизацияси жиҳатлари эътиборга олинган бўлиб, матнлар ўзбек адабий тилининг имкониятлари асосида аниқ тузилган, сўзлар тўғри танланган. Чунки Конституцияда берилган ҳар бир юридик лексика ўзининг қонуний кучига эгадир. Шу боис, ҳар бир модда оддий, содда тилда ёзилиб, аниқ ва раван ўқилади, фуқаро онига тез етиб боради. Шунинг учун ҳам юридик матн тузишда Конституция тилига монанд ҳолда, ундаги сўзлардан намуна сифатида фойдаланиш лозим.

Ҳар бир давлатнинг кадр-қиммати, халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва соҳа-иқтисодий унинг Асосий Қонуни — Конституцияси билан белгиланар экан, ватанимиз Конституцияси Ўзбекистон халқининг озодлиги, хур фирқлиги, инсоний ҳуқуқларга эга бўлиши, ҳуқуқий демократик давлат куриш имкониятини таъминловчи асосий ҳужжатдир.

Тараққиётимизнинг тамал тоши

Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у конституциявий тузумни, давлат қурилиши асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб беради. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларини тузишни тартибга солиб туради, сайлов тизимини жорий этади, давлат рамзларини белгилайди ва Конституцияга ўзгартиш киритиш тартибини мустахкамлаб қўяди. Демак, Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларига, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолатга содқлиги акс этган Конституция керак эди. Чунки ҳар қандай суверен давлат ўз келажagini кўзлар экан, ҳуқуқий пойдеворини мустахкам қуришга ҳаракат қилади. Мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти қонунар билан тартибга солиниши эса исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Барча қонунар тизимини бир бутун иморат деб билсак, Конституция унинг пойдеворини ташкил этади. Иморатнинг мустахкамлиги эса, биринчи навбатда унинг пойдеворига боғлиқ. Қайси мамлакатда қонун устувор бўлса, у ерда тинчлик ҳужм суриб, тараққиётга эришилади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилар экан, аввало Конституция асосида ривожланиши мақсад қилди.

Конституцияни ишлаб чиқиш ғояси 1990 йил март ойида бўлиб ўтган иккинчи қаҳирчи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида олға сурилган эди. Уша йилнинг 20 июнида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Унда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов Декларациянинг қабул қилиниши янги Конституцияни ишлаб чиқишга асос бўлишини таъкидлаган эди. Уша кунийк Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида конституциявий комиссия тuzди.

Конституциявий комиссия Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Португалия, Греция, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср ва бошқа давлатларнинг конституцияларини чуқур ўрганди. Шунингдек, Конституция лойиҳасини тайёрлашда Ўзбек халқининг миллий давлатчилик оид кўпмингйиллик ғоялари, жумладан, "Темур тузуклари"даги давлатни идора қилишга доир муҳим қоидалар ҳам асос қилиб олинди. Пухта шловлардан кейин лойиҳа икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаларда олти мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Улар лойиҳанинг ичма, лунда, чуқур маъноли ва барчага тушунарли бўлишида асосди. Босқичма-босқич олиб борилган ҳаракатлар натижаси ўлароқ юқорида таъкидлаганимиздек, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Конституция Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг дунёқарашини, ўзаро муносабатлар, меҳр-оқибат, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илмга интилиш, ор-номус каби олижаноб фазилатларни ўзида муҳасамлаштирган. Унда Ўзбекистон фуқароси бўлган барча миллат ва элатларнинг тили ва урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилиш кафолатланган. Бу эса, мамлакатимиз ҳудудида яшаётган миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустахкамлиги гаровидир. Бош Қонунимизда адолат, имон, олижаноблик, фидойилик, инсонга ғамхўрлик, мардлик каби улғу хислатлар акс эттирилган. Унда Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечирини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш каби олижаноб ғоялар ўз ифодасини топган.

"Конституциямизда бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки, адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад, ҳаётимизда мустахкам қарор топган оддий ҳақиқатдир, яъни халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чида олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам, ўйлайманки, бутун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган буламан", — деган эди республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов бу ҳақда тўхталди.

Дунёга келган ҳар бир инсон озод ва эркин яшашни, тинч ва осойишта турмуш кечирини орзу қилади. Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг ҳар бир аъзосига бу кафолатни Конституция беради. Зеро, Конституцияимизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунарда мустахкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, дейилган.

Конституциямизда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари энг устувор қоидалар сифатида берилганининг ўзи давлатимиз умуминсоний қадриятларга нақадар содқ эканидан далолатлар. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир юзга яқин халқро ҳужжатларга қўшилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мазкур соҳада қабул қилинган асосий халқро шартномалар қатнашиши экани фикримизнинг яққол далилидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқро ҳужжатларда баён қилинган ҳуқуқ нормалари миллий қонуничлигимиз, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу соҳага дахлдор икки юздан ортиқ миллий қонунаримиз орқали имплементация қилиб келимокда.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилинган ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи бўлди ва дунё миқёсида эътироф этилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишга оид бошқа қонун ҳужжатлари фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ, шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришга ҳизмат қилмокда.

Конституциямиз Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор иқтисодиёти шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида муҳасамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб ҳизмат қилмокда. Унда оила, ота-онага ҳурмат, маҳалла ва таълим-тарбия масалалари ҳам кенг камраб олинган.

Конституциямиз хусусий мулк ва бозор иқтисодиётига асосланган янги ижтимоий-сиёсий тизим негизини яратиб берди. Давлат мулки қаторида хусусий мулк ҳам муҳофазаланган. Унда мафкуравий хилма-хиллик, кўппартиявийлик мустахкамлаб қўйилган. У давлатни эмас, балки инсонни биринчи ўринга қўйди. Шу боис мамлакатимизда "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" — деган ғоя ҳаётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топди.

Асосий Қонуниимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жисмоний имкониятлари чекланганларнинг билим олиши, саломатлигини мустахкамлаши, қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик эса амалда ўз самарасини кўрсатапти. Яқинда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиадада спортчиларимиз жами 13 та — 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медални қўлга ки-

ритган бўлсалар, мазкур шаҳарда ўтказилган XV Паралимпия уйинларида юртимиздан 32 нафар спортчи (5 та спорт тури бўйича) қатнашиб, вакилларимиз жами 31 та — 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медални қўлга киритдилар. Улар 176 та давлат вакиллари орасида медаллар сифати бўйича 16-ўринни, сони бўйича эса 13-ўринни эгаллаганликлари бунинг яққол мисолидир.

Конституциямиздаги демократик қадриятлар ва илгор ғоялар орқали халқимиз маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимиз табиати ва олижаноб фазилатларини англамокда. Асосий Қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва савоҳатпешалик хислатлари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унда ўзбек давлатчилигини замонвий маърифий асосларда қайта тиклаш дастури, тинч-товуш яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустахкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш баён этилган.

Шунингдек, Конституцияимизнинг 46-моддасида баён этилган "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир", деган қоида улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этади. Чунки аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиладаги роли юксалтириш давлатимизнинг устувор сиёсатидир. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов таъкидлаганидек, оналарни эъзозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятимиз маданият даражаси ва маънавий қиёфасининг кўрсаткичидир.

Конституцияимизнинг барча принциплари ва қоидаларини ҳаётимизга жорий этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишдан бошланади. Шу мақсадда Биринчи Президентимиз томонидан 2001 йил 4 январда мамлакатимизда умумдавлат ахамиятига молик ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиш қабул қилинди. Бу фармойиш Асосий Қонуниимизнинг жамиятдаги ўрни ва ахамиятини, маъно-мазмунини ўрганиш, ёш авлодинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш, шунингдек, Конституцияни билиш, уни кенг тарғибташвиқ қилиш мақсадида эълон қилинган эди. Конституцияни ўрганиш бўйича мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўрта мактаб бошланғич ва юқори синф ўқувчилари учун алоҳида методик қўлланмалар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, талабалар ва бошқалар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди. Семинарлар, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар ташкил этилди ва ташкил этилмокда.

Конституцияни ўрганишдан мақсад нима, деган саволга жамият олға қараб қадам ташлар экан, фуқароларда қонунқоида асосида яшашга эҳтиёт орта боради, уни ўрганиш шунинг учун зарурки, қонунарни билмаган одам билан билмай жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин дея жавоб берсак, тўғрироқ бўлади. Тўғри, ҳар бир фуқаро профессионал ҳуқуқшунос даражасида қонунқоидаларни билимаслиги табиий, ҳамма бундай талаб қўйиб ҳам бўлмайди. Лекин ҳеч бўлмаганда қундалик турмушимизда дўл қелишиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда асқотадиган қонунқоидаларни билиш ҳар бир фуқаро учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир.

Конституция — тараққиётимизнинг тамал тоши. Бош Қонуниимиз ва шу асосда қабул қилинаётган қонунар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг мустахкам ҳуқуқий асоси бўлиб ҳизмат қилиб келмокда.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг ҳузуридаги Департамент ходимларидан иборат делегация Хитой Халқ Республикасининг Саньха шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг 14-мажлисида иштирок этди.

Ҳамкорлик

Шухрат УЗАКОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДКҚ департаменти
бошлиғи

ХХР Бош прокурори Цао Цзяньмин билан бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама, шу жумладан, ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинди. Бош прокурор Цао Ўзбекистондаги сиёсий воқеа — Президент сайлови нафақат мамлакат учун, балки бутун минтақада муҳим ахамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди. Учрашувда Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Хитой Олий халқ прокуратураси ўртасида келгусида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, Цао Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Хитой Олий халқ прокуратураси ўртасида 2017-2018 йилларда Ҳамкорлик дастурини ҳамда прокурор ходимларни тайёрлаш бўйича идораларо ҳамкорлик Меморандумини тузиш таклифини билдирди.


30 ноябрь кунини ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ХХР, Қозғистон, Қирғизистон, Беларусь, Ҳиндистон ва Мўғулистон Бош прокурорлари, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Бош прокурорларининг ўринбосарлари, Покистон провинцияси прокурори, ШХТ Бош котибининг ўринбосари С.Имандосов, ШХТ Минтақавий ақсилтерров тузилмаси ижроия кўмитаси директори Б.Сисоев иштирок этди. Мажлисида терроризмга қарши курашишда прокуратура органларининг роли ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси асосий маърузадан ташқари ШХТга аъзо давлатларда наркотик воситаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашга доир қонуничлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг шарҳи яқунлари юзасидан ахборот ҳам тақдим этди. Мазкур шарҳ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг савб-ҳаракати билан ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг 13-мажлиси (Астана, 2015 йил) қарори асосида тайёрланди.

Муҳокама якунида Бош прокурор Цао амалга оширилган ишлар учун Ўзбекистон томонига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Норасий икки томонлама учрашуларда Қозғистон ва Беларусь Бош прокурорлари прокурорлик фаолияти, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасидаги тажрибалар билан танишиш мақсадида Ўзбекистонга таширф буюриш истагини билдирди.

Бош прокурорларнинг навбатдаги мажлисини 2017 йилда Россия Федерациясида ўтказишга қарор қилинди.



Тадбирлар сифати — муваффақият гарови

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юқори самарасини бермоқда. Соҳани ривожлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар самарасида у иқтисодийётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди.

Албатта, қишлоқ хўжалигида келгуси мўл ҳосилга тайёргарлик ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 сентябрдаги "2017 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шундай мақсадни амалга оширишга қаратилган. Мазкур қарор ижроси қандай бажарилаётганлиги прокуратура органлари томонидан изчил назорат қилиб борилмоқда.

Хусусан, назорат жараёнида навларни жойлаштириш ва бошоқли дон экинларини етиштиришга қаратилган агротехник тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиб, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлиги қатъий ҳал этилмоқда.

Назорат тадбирлари мазкур қарор ижросига масъул бўлган ҳокимликлар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги бошқарма ва бўлимлар, шунингдек бошқа қорхоналарнинг айрим мансабдор шахслари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлигини кўрсатди. Масалан, Марҳамат туман ҳокимининг қарорига асосан 17 та чорвачилик фермер хўжалигининг 77,7 гектар, 22 та савзавотчилик фермер хўжалигининг 68 гектар ва 3 та паррандачилик фермер хўжалигининг 4 гектар ер майдонларига қонуннинг равишида 2017 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экилиши режалаштирилганлиги аниқланди. Ушбу қарорнинг протест келтириш орқали қонунга мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Айрим туманларда бошоқли дон экинлари экилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги ва масъул шахсларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган-

лиги ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг оқибатида республика бўйича 8,6 минг гектар ер майдонларига сифатсиз бошоқли дон экинлари экилишига йўл қўйилган. Масалан, Чуст туманидаги "Осиё Хасанбоева" фермер хўжалигининг ажриқлардан тозаланмаган ва сифатсиз тайёрланган 16 гектар ер майдонига бошоқли дон экилган. Ташқоқ туманидаги "Муҳаммадмин Муҳаммадзиев", "Боймат Шерматов", "Асадullo Нурилло" ва "Кумушой Гулистон" фермер хўжаликларининг нотекис ер майдонларига ҳам бошоқли дон экилишига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар бўйича айбдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Шу билан бирга, мазкур қарор ижроси жараёнида ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё, Андижон ва Бухоро вилояти ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда Кармана туман ҳокимига нисбатан маъмурий ва интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзгатилди. Мисол учун, Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Мирзақулов ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан Гулистон, Мирзаобод ва Ховос туманларида ер майдонига ўз вақтида галла экилишини таъминламаганлиги, сифатсиз тайёрланган ер майдонларига минерал ўғитсиз галла экилишига йўл қўйганлиги, Мирзаобод туманида галлани суғориш чораларини кўрмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, Қамаш туманида бошоқли дон экинларини экиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, галла экиш учун минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги аниқланди. Бунинг оқибатида 4,3 минг гектар майдонга галла ўз вақтида экилма-

Муродullo АБДУХАКИМОВ,
Бош прокуратура
бошқарма бошлиги ўринбосари

ган. Бундай масъулиятсизлик учун туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиги Ф.Номозов, "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ туман филиали раҳбари Ш.Бурхонов, "Шахрисабз нефть базаси" давлат унитар қорхонаси масъул ходими А.Қурбоновнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Айрим ҳолатларда "Ергеодездекадастр" Давлат кўмитаси тизимидаги ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан галла экилган майдонлар ўз вақтида мониторинг қилинмасдан, ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Сурхондарё вилоят ер ресурслари ва давлат қадастри бошқармаси томонидан 2016 йил 2 ноябрь ҳолатига 86,710 гектар майдонга галла экилганлиги кўрсатилиб, ҳисоботлар тақдим қилинган. Текширишда тақдим қилинган 2,116 гектар галла экилмаган майдонлар ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги аниқланиб, бошқарма бошлиги А.Ганиев маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, агротехник тадбирлар белгиланган муддатда ва сифатли ўтказилмаганлиги оқибатида баъзи туманларда экилган бошоқли дон уруги униб чиқмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш борасида ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан, суғориш ишларида сувдан хўжасизларча фойдаланишга йўл қўйганлиги учун "Аму-Сурхон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиги Б.Алимовнинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Аграр секторда агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш келгуси мўл ҳосил гаровидир. Шундай экан, бу йўналишдаги тадбирларни тегишли қарор асосида сифатли амалга оширган деҳқонларнинг келгуси мавсумда ҳам юзи ёруғ бўлади. Бу ишда қонун талабларига оғишмай амал қилиш муваффақият омилли эканлигини унутмаслик лозим.

Адолат ҳар ишда дастури미з

Фозилжон ТОИРОВ,
Учқўрғон туман прокурори

Тараққиётни, юрт равнақини, адолат барқарорлигини белгилловчи омиллар жуда кўп. Улар орасида энг аввалгиси, бу қонун устуворлигидир десак, асло ангашилмаган бўламиз. Зотан, қонунийлик — барча соҳалардаги ютуқ ва муваффақиятларнинг асосидир. Қонун устувор бўлган жамияттагина эл-юрт фаровон, кишилар ўз ҳаётидан рози бўлиб, келажак сари шахду шижоат билан яшайди.

Мамлакатимизнинг мустақиллик даврига назар ташлайдиган бўлсак, айнан шунинг ифодасини кўрамиз. Боиси, истиқлолга эришган юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш энг эзгу ва бош мақсадга айланди. Давлатимизнинг Биринчи раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг кўзи ҳам, сўзи ҳам, қуроли ҳам, ҳимояси ҳам қонундир".

Ана шу мезон устувор мақсадга айлангани учун ҳам 25 йиллик мустақил тараққиёт даврида юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланиб бораётгани, ислохотлар муваффақияти самараси яққол намойён бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган давридаги таҳлиллар асосида фикр юритадиган бўлсак, тумандаги қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда иш режалари тузилиб, прокурор назоратининг йўналишларида давлат ва жамият олдида турган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий долзарб вазифалар қамраб олинди. Жумладан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг тиббий қўриқдан ўтказилиши, улар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг қуйи тизимларига ўтказилган текшириш айнан шу мақсадга қаратилди.

Таҳлиллар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлашда айрим қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, тиббиёт бирлашмаси ва унинг қуйи муассасаларининг тиббий жиҳозлар билан таъминлангани талабга жавоб бермаслиги, тез ёрдам тизими етарли алоқа воситаларига эга эмаслиги, тез тиббий ёрдам бўлими филиалларидаги бино-иншоотлар, улардаги хоналарнинг аҳволи, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар етарли бўлмагани ҳолда янги жиҳозлар, ётоқ жамланмалари билан таъминланмагани шулар жумласидандир.

Тиббиёт ходимларининг эътиборсизлиги, ўз ишларига совуққонлиги оқибатида иш яритиш ҳужжатлари ва фаолиятда ҳам муайян камчиликлар мавжуд.

Мазкур режавий тадбир ижроси бўйича ўтказилган текширишлар якунига кўра, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси бошлигига тақдимнома киритилиб, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармай, қонун бузилишига йўл қўйган 34 нафар ходим интизомий, 10 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Қонунга зид бўлган буйруқни бекор қилиш юзасидан 1 та протест келтирилди ва 760 минг сўм зарар ихтиёрли қопланди. Шунингдек, 75 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу каби, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг муҳофазаси, коммунал хизматлар, аҳолини иш билан таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, вояга етмаганлар манфатларининг муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина бандликни таъминлаш соҳасини оладиган бўлсак, ушбу йўналишда 732 та бўш иш ўринлари бўйича 5 маротаба "Меҳнат ярмаркаси" ўтказилиб, 718 нафар фуқаронинг ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, амалга оширилган тадбирлар натижасида тумандаги 46 та умумтаълим мактабининг 9-синфини 2015-2016 ўқув йилида 2336 нафар ўқувчи тамомлаган бўлиб, улар тўлиқ коллеж ва академик лицейларга қамраб олинди.

Шу каби, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, капитал-қурилиш, қишлоқ хўжалиги, умуман, барча соҳаларда қонунчилик ижросини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, қонунчилик тарғиботи борасидаги фаолиятга ҳам тўхталиш мумкин.

Ўз навбатида, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг қамровли ислохотлар, қонунчилик соҳасидаги янгиланишлар натижасида жамиятда ҳуқуқий маданият тобора юксалиб бормоқда. Шунга монанд, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги ҳам ортиб, улардаги қонунларга ҳурмат ва итоат туйғуси эл-юрт ишига дахлдорлик туйғуси билан уйғунлик касб этмоқда.

Бу жараёнда адолатни дастур билиб, қонунийликни таъминлаш биз учун бош мақсадга айланган. Боиси, юқорида айтганимиздек, қонунга таяниб яшаш, ишлаш ва келажак сари одимлаш барча соҳаларда муваффақият асосидир.

Ўзбек халқи болажон халқ. Аслида ҳам ҳаётимизнинг энг беғубор, энг покиза неъматлари борки, бу ҳам бўлса, фарзандларимиздир. Келажагимиз эртаси ҳам айнан шу болажонларимиз қўлида. Умрининг асосий қисмини фарзандларининг камолига, уларнинг бахту иқболга бахшида этадиган халқимизнинг саодати ҳам ана шунда. Ўзбек халқига хос болажонлик, меҳрибонлик, келажак авлодга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик азалий миллий қадриятларимиздан саналади.

Келажак давомчилари

Музаффар МАМАТОВ,

Бош прокуратура ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси прокурори

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро шартнома Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциядир. Бу билан Ўзбекистон бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Бундан ташқари, воя етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати давлатимиз Конституциясида ҳам мустақамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қонуннинг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлар..."⁶, 65-моддада эса "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар"⁷, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституциямизда давлат ва жамият ота-оналарнинг васийлигидан махрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши, оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани қайд этилган.

Ўтган йиллар давомида республикамизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим устувор йўналиши — вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, каровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасидаги ишларга ҳам муҳим масала сифатида қаралиб, бу борада тизимли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги"ги Қонунида болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайитиришга кўмаклашиш бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида кўрсатилгани, қолаверса, жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болаларга ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар сифатида эътибор берилгани мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Умуман олганда, давлатимизда бола ҳуқуқлари борасида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниди, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи қонунчилик йўли билан мустақамлаб қўйилди. Айтиш кераки, давлат томонидан ёш авлуднинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намояндаларни ўқитиш учун мақбул шароит ва имконият яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими ёшларга оид давлат сиёсатини аниқлатади. Моҳиятан давлатни ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантириш, рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи бу сиёсат дастурий, ташкилий, сиёсий ва иқтисодий механизмларга таянади.

Кечиримлилик — фазилат

Олимжон ЭШБАКОВ,

Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Ҳазрат Навоийнинг машҳур "Маҳбуб ул-қулуб" асарига: "Хато қилмоқ борлар, кечирмаслик ораир", дейилган пурмаъно нақл келтирилади. Қолаверса, ҳаёт теп-текис, раво йўлдан иборат эмас. Унинг ўзига хос қийинчиликлари, машаққатлари, ўнқир-чўнқир сўқмоқлари бор. Бу жараёнда инсон билиб-билмай хатога йўл қўйиши, адашиб ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиши мумкин. Қилмишдан пушаймон бўлган, тўғри ҳаёт йўлини танлашга имкон излаган кишини афв этиш қонунариимизда ўз аксини топгани боис истиқлол йилларида бир қанча амнистия тўғрисидаги фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бинобарин, кечиримлик, бағрикенглик, адолатпарварлик миллатимизга хос эзгу фазилатлардан саналади.

Жорий йилнинг 12 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, бу жараёнга мутасадди идоралар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам кенг жалб этилди.

Жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни рўёбга чиқариш, уларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қари-яларни йилларга жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бажариш юзасидан режалаштирилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижроси доирасида маҳумларни нафақат озодликка чиқариш ва оиласи бағрига қайтариш, балки уларнинг соғлиги, турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши инсоннинг олий қадрият даражасида қадрланиши, ҳалол меҳнат кишини улуғлиши баробарида, маълум маънода оиласи, фарзандлари билан ҳалол яшашга, тўғри ҳаёт йўлини танлашга ҳам имкон беради.

Амнистия актининг ихросини сифатли таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят ҳокимининг 2016 йил 17 октябрда 386-сонли

Қарори қабул қилиниб, унга асосан жазодан озод этилганларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва соғлиги масалалари билан шуғулланувчи вилоят ҳудудий комиссияси, қарорнинг қўлланилишида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик таъминловчи вилоят ишчи гуҳури таркиблири тасдиқланган.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, суд, ИИБ, жазони ижро этиш муассасалари, суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси, ижтимоий кўникма маркази, соғлиқни сақлаш, маҳалла, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар иштирокатида амнистия тўғрисидаги қарор ихросини таъминлашга бағишланган идораларо йиғилиш ўтказилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Ҳудудий тиббиёт бирлашмаларига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаларда жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари ташкил қилинди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Мурожаат қилганларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида прокуратура органлари томонидан аҳоли, меҳнат жамоалари, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, жазони ижро этиш муассасалари ва ўқув масканларида жами 193 та тадбир ўтказилди.

2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳумларга амнистия актини қўллаш ва

коллати судга ўтказилганига ҳам эътибор қаратиш зарур. Зотан, бу муҳим қадам, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилган демократик гояларнинг амалга табиқ этилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиний ҳазорларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қончилигини эркинлаштириш ҳамда амалга оширилган демократик гояларнинг амалга табиқ этилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиний ҳазорларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қончилигини эркинлаштириш ҳамда амалга оширилган демократик гояларнинг амалга табиқ этилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиний ҳазорларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Юртимизда эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад фақат маҳумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар тўғрисидаги жабр тортидиган ҳар бир оилани ва оила аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажигини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан амнистия актининг барча бандларидан инсон олий қадрият эканлигининг ҳаётли инъикосини кўриш мумкин.

Ойлада бобонинг ўрни, фарзандлар тарбиясида аёлнинг роли жуда катта. Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйиб, билиб-билмай жиноят қўнасига кириб адашган йигитни кўз олдинда келтиринг. Озодликка чиқиб келган ҳар бир кишининг руҳий ҳолатини тушуниб еттидиган, аввало опа-ўка, ота-она, яқин қариндошлар, қолаверса, маҳалла-қўй, қўни-қўшни, кенг жамоатчилик ҳамжиҳатликда унга тўғри ҳаёт йўлини танлашга кўмаклашмоғи зарур. Энди бундай шахсларга ижтимоий ҳаёт кўникмаларини шакллантириш учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки ҳар биримиз масъулигимизни унутмаслигимиз лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсати такомиллашмоқда

Бугунги кунда аҳолисининг қарийб 34 фоизини 18 ёшгача, 58 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этувчи мамлакат учун жамиятнинг ушбу ижтимоий қатлами ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар яппи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълим йўналиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

Бугун биз ёшларимиз, болаларимиз ҳақида кўп ва хўп гапиряпмиз. Улар ҳақида қайгурияпмиз. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиб беришга ҳаракат қилияпмиз. Ёшлар бизнинг эртаси, ўринбосарларимиз, меросхўр(ворис)ларимиздир. Ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда миллатимиз ва халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатларини шакллантириш бош вазифамиздир.

Халқимиз болажон халқ. Ҳамма нарса қиссда, таққосда кафтдек яққол кўринади, намоян бўлади. Бундай

юртда туғилишнинг ўзи бир бахт, унда яшаш, унинг ҳуснига-хусн, кўркига-кўрк қўшиш, бунёдкорлик, янгиликка, яхшиликка интилиб яшаш тўлиқ бахтдир. Ана шундай бахтли ёшларнинг фан олимпиадаларида, спортда эришган ютуқлари бизни қувонтирмоқда.

Биринчи Президентимиз чиқишлардан бирида ҳақли равишда "...мана шундай ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, бугун бизнинг давримиз келди. Ўзбекистоннинг замони келди, дунё бизни тан оляпти, деган оюксар гурур-ифтихор туйғуси, катта ишонч билан яшашимиз табиийдир", дея таъкидлаганда қанчалар ҳақ эканини вақт-

нинг ўзи кўрсатмоқда.

2016 йил 15 сентябрдан кунга кирган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун шу каби буюк вазифаларни янада жонлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қонунга кўра, ёшларга оид давлат сиёсати бу давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар тизимида прокуратура органларининг ваколатлари ҳам алоҳидадир. Унга кўра, прокуратура органларига ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида

Миродилжон БОРОТОВ,

Бош прокуратуранинг ОУК катта ўқитувчиси

иштирок этиш; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш; ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оқсатилишига доир фаолиятда иштирок этиш; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш каби вазифалар юқланди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун янги давр руҳи ва ижтимоий ҳаётнинг кенг қирраларини қамраб олган бўлиб, у ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзи, оиласи, ўз юртининг истиқболи ва тинч-осуда ҳаёти учун масъулият ҳиссини оширади. Зеро, шу Ватанда яшаш, унинг тинчлиги, бунёдкорлигига ҳисса қўшишнинг ўзи фахрдир.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 6 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 12 октябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 638—XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 344-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир.

Қасаба уюшмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши мумкин";

2) **2-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ҳодимлар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган шахслар ҳамда иш билан таъминланган бошқа шахслар (бундан буён матнда ҳодимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда қасаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек қасаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан кириш ҳуқуқига эгадир.

Ҳодимлар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), яқка тартибдаги тадбиркорлик ва ўзга меҳнат фаолияти амалга оширилаётган бошқа иш жойларида қасаба уюшмаларини тузиш ҳақи.

Қасаба уюшмалари ишлаб чиқариш-тармок принципига қўра тармоқлар ва ҳудудлар даражасида тузилиши мумкин.

Ишлайдиган пенсионерларнинг қасаба уюшмаси аъзолигига кириши ёки ундан чиқishi тартиби қасаба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Қасаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика, тармок ва ҳудудий бирлашмаларини ташкил этиши, шунингдек уларга кириши мумкин, маъмур бирлашмаларига қасаба уюшмалари фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва кафолатлари таътиб этилади.

Қасаба уюшмаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда руйхатга олинади.

Қасаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланади";

3) **3-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат органларидан, ҳужалик бошқаруви органларидан, иш берувчилардан ва уларнинг бирлашмаларидан, сиёсий партиялардан ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Қасаба уюшмаларининг фаолиятига арашишга йўл қўйилмайди";

Иқтисодиёт қисмининг русча матнидаги "Профсоюз" деган сўз "Профессиональные союзы" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи қисмининг русча матнидаги "Профсоюз", "профсоюзам" ва "профсоюзные объединения и организации" деган сўзлар тегишчан "Профессиональные союзы", "профсоюз"

нальными союзами" ва "объединения и организации профессиональных союзов" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **4-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Фуқароларнинг қасаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонун ҳужжатларида кафолат берилмаган меҳнат ҳуқуқлари, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бирор бир тарзда чекланишига сабаб бўлмайди. Ҳодимни ишга қабул қилиш, хизмат погоналарига қўриш, шунингдек у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун муайян қасаба уюшмасига мансубликни, унга киришни ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади";

5) **5-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмасининг фаолиятини тугатиш уставда белгиланган тартибда унинг ваколатли органи қарорига қўра амалга оширилади.

Қасаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига зид бўлган тақдирда, бу фаолият суднинг қарори билан тақиқланиши мумкин. Қасаба уюшмаларининг фаолиятини бирор бошқа органнинг қарорига қўра тақиқлашга йўл қўйилмайди";

6) **6-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонунни Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Қучларида, ички ишлар органларида, Миллий хавфсизлик хизматида ҳамда бошқа ҳарбий тузилмаларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ана шу тузилмалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади";

7) **7-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"7-модда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқлари

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг меҳнатга ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг меҳнатга ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисидаги тақлифларни тегишли давлат органларига киритишга ҳақлидир.

Ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясини олдиндан хабардор этилган ҳолда давлат органлари томонидан қабул қилинади";

8) **8-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилади, иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок эта-

ди, ташкилотларда ишдан бўшатиладиган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатлари асосида жамоа шартномасида белгиланганидан чоратадбирларини тақлиф этади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимларнинг сони (штати) ёки меҳнат шартноларни ўзгаришига олиб келадиган тарзда ташкилотни ва унинг таркибий бўлинмаларини тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтаиб қўйиш тегишли қасаба уюшмалари қамиди икки ой олдин хабардор қилинган ҳамда улар билан ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Қасаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳолати ва иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Агар жамоа шартномасида, келишувиди меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб шартномани бекор қилишга йўл қўйилмайди";

9) **9, 10 ва 11-моддалар** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"9-модда. Қасаба уюшмаларининг музокара олиб бориш ва жамоа шартномалари, келишувлари тузиш ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари иш берувчи, иш берувчиларнинг бирлашмаси билан жамоа музокаралирини олиб боришда ва жамоа шартномаларини, келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлади, уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Агар қасаба уюшмалари жамоа шартномаси, келишувини тузиш тақлифи билан чиқса, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари бу ҳақда музокара олиб бориши шарт.

10-модда. Қасаба уюшмаларининг ҳодимлари ижтимоий ҳимоя қилишга доир ҳуқуқлари

Қасаба уюшмаларининг меҳнат шартноларини ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик, ҳодимларнинг уй-жой шартноларини, уларни ижтимоий сурғурта қилиш, уларнинг соғлигини ва маданий манфаатларини муҳофаза қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қасаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида ҳодимларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоратадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб компенсация тўлаш миқдорларини аниқлашда иштирок этади, тирикчилик учун қонунда белгиланган зарур энг кам миқдорга ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг миқдорига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Қасаба уюшмаларининг бирлашмалари ушбу масалалар бўйича жамоа келишувлари тузиши мумкин.

11-модда. Қасаба уюшмаларининг қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат ва қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини

амалга оширади, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида қасаба уюшмасига ўн беш кунлик муддат ичида хабар бериши шарт.

Қасаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Қасаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматларига ва бошқа зарур органларга эга бўлиши мумкин";

10) **12-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қасаба уюшмалари яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

Қасаба уюшмалари қонун ҳужжатларининг, жамоа шартномаси, келишувини шартларининг бузилганлиги, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавjud шарт-шароитларини ўзгариштириш билан боғлиқ масалалар бўйича жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этади";

11) **13 — 16-моддалар** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"13-модда. Қасаба уюшмаларининг меҳнатга оид масалалар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа масалалари юзасидан ахборот олиш ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари иш берувчидан, шунингдек давлат органларидан, ҳужалик бошқаруви органларидан меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган статистика ҳисоботлари доирасида бепул ахборот олишга ҳақлидир.

14-модда. Қасаба уюшмаларининг иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари томонидан жамоа шартномалари, келишувлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқлари

Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари билан жамоа шартномалари, келишувлари шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, қасаба уюшмалари ушбу қондабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли, бу тақдимнома бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари қасаба уюшмаларининг ушбу талабларини қаноатлантириши рад этган ёки кўрсатилган муддатда улар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, келишувчиликлар жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

15-модда. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси ёки қасаба уюшмаси ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш

Ҳодимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда иш берувчи ва меҳнат жамоаси ёки қасаба уюшмаси ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга доир масалалар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

16-модда. Қасаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда иштироки

Қасаба уюшмалари миграция, иш билан таъминлаш, меҳнат, нарх белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин";

12) **17 — 22-моддалар** куйидаги тахрирда баён этилсин: ➡

«17-модда. Касаба уюшмалари фаолиятининг кафолатлари»

Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари га роя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши шарт. Улар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини бузганлик ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўқинлик қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмалари вакилларининг шу касаба уюшмалари аъзолари ишлаётган ташкилотларга уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳамда қонун ҳужжатларида берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришига тўқинлик қилишга ҳақиқат эмас.

18-модда. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун кафолатлар

Қўйидагиларга интизомий жазо бериши мумкин эмас:

касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ходимларга — шу органининг розилиги олинмасдан туриб; ташкилот бўлиминларидоги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — тегишли касаба уюшмаси органининг розилиги олинмасдан туриб; ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига, касаба уюшмалари ташкилотчиларига — тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига роя қилишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олинган олинган тақдирдагина, ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раислари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса, юқоридогилардан ташқари фақат тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Касаба уюшмаларининг ташкилотчилари ва касаба уюшмалари гуруҳларининг ташкилотчилари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга тегишли касаба уюшмалари бирлашмаси органининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари сайлаб қўйилган органларининг ишлаб чиқаришдаги ўзи ишдан озод қилинмаган аъзоларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланган шартларга кўра жамоа манфаатларини кўзлаб жомаотчилик вазифаларини бажариши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан бўш вақт берилади, шунингдек касаба уюшмасининг қисқа муддатли ўқуви вақтида уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйилган органлари аъзолари касаба уюшмалари томонидан қақирладиган қурултойларда, конференцияларда, шунингдек касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида делегат сифатида иштирок этаётган вақтга ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдоридо ҳақ тўланади.

19-модда. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинган ҳолда касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун кафолатлар

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйилган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш

(лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса, ўша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунда, жамоа шартномаларида, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланади.

20-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларнинг меҳнатга оид қўшимча кафолатлари

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйилган лавозимдаги ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

21-модда. Касаба уюшмаларининг ҳамда уларга қарашли ташкилотларнинг мулкий ва молиявий ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари мулк ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган мол-мулк ва пул маблағларига эгаллик қилади, улардан фойдаланади ҳамда уларни тасарруф этади.

Касаба уюшмалари давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Касаба уюшмалари бюджети маблағларининг манбалари, маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби уларнинг уставларида белгиланади.

Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларнинг уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Касаба уюшмаларига қарашли ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағларнинг миқдорлари ва солиқларни тўлаш давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида қайд этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, тижорат ташкилотларини ташкил этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли фондлар тузиш ҳуқуқига эга.

22-модда. Иш берувчининг касаба уюшмалари фаолияти учун моддий шароитлар яратиш борасидаги мажбуриятлари

Жамоа шартномасига, келишувига мувофиқ ташкилот ўз мулки бўлган ёхуд ўзи ижарага олган биноларни, хоналарни, иншоотларни ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсимирлар оромгоҳларини ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини касаба уюшмаларига текин фойдаланиш учун беради.

Ташкилот мақсади ва миқдорлари жамоа шартномасида, келишувда белгиланган маблағларни касаба уюшмаларига ўтказиши.

Ташкилотда иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шароитларни яратиш жамоа шартномаси, келишув билан тартибга солинади.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Янги фармонлар моҳияти

Самарқанд вилоят прокуратурасининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги "Таъбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шавкат УЗОҚОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг катта ёрдамчиси

қилиш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, таъбиркорларга кенгроқ имконият яратиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлганини таъкидлашди.

Иштирокчиларга оилавий таъбиркорлик, қасанчилик, бизнес-режа тузиш, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, тижорат банклари томонидан микроомлиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар берилди.

Учрашув якунида келгусида бу борада олиб борилиши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталиб, таъбиркорларга ўз мажбуриятларини, яъни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган муддатларда тўлаб беришлари, мамлакатимизда қабул қилинаётган фармон ва қонунларга роя қилиш орқали муаммоларга ечим топиш муқаррарлиги айтиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари бундан бўён ҳамкорлики янада кучайтириш ҳолда, тарғиб қилинаётган Фармонларни халққа етказиш, тарғибот ишларини янада жонлантириш орқали кўзланган мақсадга албатта эришилишини таъкидлашди.

Халқаро тажрибалар ўрганилди

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Ҳудудий давлат органлари ахборот хизматлари ва ОАВнинг салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда марказий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиб келаётган ходимларнинг малакаларини ошириш бўйича хорижий экспертлар иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Мазкур тадбирда журналистларнинг жамиятда юз бераётган воқеа-ходисалар, ижтимоий-сиёсий мавзуларни шарҳлаш, фуқаролар билан ўзаро очик мулоқот олиб бориш, ижтимоий шерикчилик ва жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш, шунингдек, таҳлилий журналистиканинг илғор халқаро тажрибаларини ўрганиш бўйича билим ва тажрибаларини оширишга эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил қилишнинг либерал механизмлари ҳаётга изчил таъбиқ этилгани, барча юридик ва жисмоний шахслар оммавий ахборот воситаларини таъсис этиши мумкинлиги, бу борада ҳеч қандай чеклов йўқлигини алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда маълумотлар алмашинувида интернетдаги веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар асосий ўрин эгаллаб келаётгани барчага маълум. Семинар-тренингда миллий "uz" доменидаги сайтлар сони 29 мингдан ортиб, улар орасида тўрт юзга яқини интернет ОАВ сифатида фаолият олиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, интернет тармоқининг бу имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни шарҳлашга қаратилган бир қатор нашрлар фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциивий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиш бериш билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлари сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтирди. Электрон ҳуқуқ тизимининг ривожланиши натижа-сида давлат органлари фаолиятининг шаффоқлиги, бошқарувининг транспарентлиги таъминланиб, фуқароларнинг давлат билан мулоқотининг самарали механизми ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Семинар-тренинг сўнггида марказий ва худудий босма ҳамда электрон ОАВ ходимларига таҳлилий журналистика, журналистларнинг турли мавзуларни шарҳлашга оид тажрибаларини ошириш бўйича халқаро тажрибалар хусусида атрофлича маълумотлар берилиб, кўтарилган масалалар бўйича тегишли хулосалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 28 ноябрь № ЎРҚ—413

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 29 ноябрь кунги 235 (6670)-сонидан олинди

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади юртимизда эркин, ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этишдир.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов: "Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда", — деб таъкидлаган эдилар.

Агар ўтган 25 йиллик даврни таҳлил қилиб кўз олдимишга келтирадиган бўлсак, бу йўналишда улкан ишлар ва катта ислохотлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотларнинг, қонуничликка киритилган янгиликларнинг барчаси ниҳоятда муҳим.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбиркорларнинг ҳуқуқлари химоysi билан боғлиқ бўлган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоysi қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари ҳамда улар фақат суд томонидан қўлланилиши мумкинлиги белгиланди. Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб тегишли давлат назорат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритилди.

Даставвала тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини янада либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари

қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоysi қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб 2015 йилнинг 20 август кунини қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоysi қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий воситалар ёрдамида химоysi қилиш имкониятларини жиддий кенгайтирди.

Мазкур қонун билан 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, кўзга тилган жиноят ишлари бўйича текширувлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида жалб этилган адвокатлар иштирокида ўтказилиши каби нормани киритилиши тадбиркорлик субъектларининг фаолияти химоysини

реал таъминлаш имконини беради.

Ёки, давлат органлари ва бошқа органларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган қарорларини, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлиги) ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволар билан судларга ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан муражаат қилинганда, ушбу қарорлар ижросини мажбурий тартибда тўхтатиб туриш шартлиги, ёйинки солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблашнинг ҳам тўхтатилиши каби қондалар ана шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоysi қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юқоридики қайд этилган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб майдонга чиқди ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўттишидан далolat беради.

Хусусан, фармон "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериши, уларнинг фаолиятига аралашуви тубдан қисқартиши, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини

ошириши ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик"ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Мазкур Фармон давлат органларининг олдига қўйган вазифаларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари химоysини таъминлаш йўлидаги фаолиятни янада юқори даражага кўтаради.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб ниҳоятда аҳамиятли қуйидаги чоралар жорий этилиши белгиланмоқда:

— тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турларининг бекор қилиниши (бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги муражаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилган қисқа муддатли текширувлар мустасно);

— шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турларининг бекор қилиниши;

— ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда бекор қилинган зарарнинг ўрнини ихтиёрли равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва руҳсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

— тадбиркорлик субъект-

Мухтарам РАДЖАПОВА,
Бош прокуратуранинг
ОЎК катта ўқитувчиси

ларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллашнинг тақиқланиши ва бошқалар.

Бугунги кунда Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчиликни янада либераллаштириш мақсадида тегишли қонун ҳужжатлари ўрганилмоқда.

Республика Президентининг мазкур фармонидан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг 2015 йил 26 июндаги 122-сонли буйруғига қўра, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш ва бузқорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича муражаатларни туну қон қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Муражаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази" ташкил этилганлиги ҳам, шубҳасиз ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан вазифаларни бажаришда алоҳида ўрин тутди.

Инсон манфаатлари ҳимояси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида Ўзбекистон ўз ҳауаида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини химоysi қилиши кафолатланганлиги қайд этилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда гумон қилинувчинини химоysлаштириш ҳуқуқи билан таъминлаш принципларига қўра ушлаб турилган ҳар бир шахсга жиноят ишини юретишга масъул бўлган орган томонидан уларнинг химоysчига эга бўлиши ва бошқа ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 48-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчининг ўзининг ниҳада гумон қилинаётганлигини билиши; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки ақин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёҳуд хабар бериши; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб химоysчига эга бўлиш ҳамда уррашларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи уррашиши каби ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Ушлаб турилган шахсга химоysчи билан биринчи холи уррашувига биринчи суроққача руҳсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чора-

си танланаётганда ушлаб турилган шахснинг химоysчи билан уррашувига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инобатга олинган ҳолда руҳсат берилади ҳамда уррашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчининг ёзма руҳсати асосида ушлаб турилган рақла сақланадиган жойининг маъмурияти томонидан ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан уррашишга ёки телефон орқали сўзлашишга ижозат этилади.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 6-мод-

дасига биноан адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан у томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олишга ҳақли.

Гумон қилинувчи ушлангандан кейин йигирми тўрт соат ичида гумон қилинувчи тариксидаси сўроқ қилиниши лозим. Бунинг учун албатта: а) жиноят иши қўзғатилган бўлиши; б) ЖПКнинг 221-моддасида қайд этилган асослар бўйича ушланган бўлиши керак. Гумон қилинувчи биринчи сўроқидан олдин унинг қандай жиноятни содир қилишида гумон қилинаётганлиги тушунтирилиши керак. Суриштирувчи ва терговчи гумон қилинувчига унинг жиноятни содир қилишдаги иштирокини тасдиқловчи далиллар мавжудлиги ва улар нималардан иборатлигини тушунтириши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги

"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоysi қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам ушлаб туриш процессуал мажбурувор чорасига алоҳида тўхталиб ўтилган.


Фармонда қайд этилишича, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши назарда тутилмоқда. Бу эса жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоysi қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур чоранин жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклаш ҳолатларидан химоysi қилинишини, иккинчи томондан, суриштирувчи ва тергов органларининг маъсулияти ва фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди.

Алибек МАТМУРОВА, ТДЮУ ўқитувчиси

Телефон моjarоси

У яширинмади, орадан бир соатча ўтгач, Кўқон шаҳар ИИБга кириб келди. Ундан спирт ҳиди анқиди. — Кечқурун соат саккизларда икки улфатим билан "Малина чай" кафеда тамадди қилдик. Коньяк ичдик. Ином билан эрталаб кўришгандим. Пулни қолганини кечқурун берман, девди. Кўл телефонида гаплашдик. "Оригинал" магазини ёнида кутиб оладиган бўлди. Жанжал чиқиб, уни пичоқлаб кўйдим...



Алишер БОБОХЎЖАЕВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим АМИБ катта терговчиси

тамадди қилади. Сўнгра телефонда Ином билан учрашув жойини келишиб, йўлга тушди. Ўртоқлари унинг ордидан боришади. Ўзбекистон туманининг Қатагон қишлоғидаги дўкон ёнида Ином билан юзма-юз келади. У бўлди, бошқа бир сўм ҳам бермайман, деб оёғини тираб олади. Жанжал чиқиб, спиртли ичимлик ичиб олган М.Валиев унинг қорнига, дуч келган жойига пичоқ санчади. Ўртоқлари югуриб келиб, ажратиб кўйишади. Иномни касалхонага етказишади. Шифокорлар унинг ҳаётини асраб қолишади.

Агар Мамамазар шаҳар ИИБга мурожаат қилганида, гумондор ушланиб, айби тасдиқланган ҳолда, жавобгарликка тортилар эди. Аммо у телефоннинг пулини ундираман, деб бировнинг жонига қасд қилишдай жиноятга қўл урди. Суднинг ҳукми билан унга ўн бир йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Алқисса, спиртли ичимликка ружу қўйиш рўзгордаги келишмовчилик, эр-хотиннинг уруш-жанжали, оиланинг дарз кетиши, кўча-кўйда жамоат тартибини бузиш, муштлашиш, турли тан жароҳати етказишдан ташқари, бировнинг умрига зомин бўлишдай оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда айбдор "маст эдим, мастлигимда шу ишни қилиб кўйдим", дея айбини енгиллатмоқчи бўлади. Спиртли ичимлик ичиб олингани эса айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар сирасига кирди.

фонимни ўғирлабди, учраштириб кўйинг, дедим. Унинг исми Ином экан. Илҳом ака у билан ўзим гаплашиб кўраман, деди. Эртасига унга телефон қилдим. Илҳом ака гаплашдим, тан олмаяпти, деди. Орадан бир ойча ўтиб, Илҳом акага телефон қилдим. Космонавтлар мавзесига етиб бордим.

Таниши Одил ака ҳам ўша ерда экан. Мамамазар машинасини тўхтатиб, Илҳомжонга телефон қилади. Унинг ёнида турган йигит қаршисига келиб сўрашади.

— Ушанда Илҳом ака билан бирга машинамга чиқиб ўтирган эдингиз.

— Ҳа, ўша менман.

— Телефонимни сиз олгансиз.

— Мен олганим йўқ.

— Чикинг, машинага.

Мамамазар ўша куни Илҳом ака ва уни машинасига миндириб олган жойдан улар тушиб қолган манзилгача боради.

— Сиз шу ерда тушдингиз. Кўчани бошига туққанамда телефоним йўқ эди. Сиз ол-

гансиз, бошқа одам олманган. Қайтариб беринг, бўлмаса, пулини тўланг.

Уларнинг ордидан келган Одил ака, нима гап, деб орача тушади. Мамамазар унга бор гапни айтади.

— Бўпти, қизисма, ўзим гаплашиб кўрай-чи?!

Орадан уч кун ўтиб, Мамамазар у билан телефонда боғланади ва Космонавтлар мавзесига кўришади.

— Телефонингни ўша бола олган экан, — дейди Одил ака. — Пулини мен олиб берман.

Йўқолган "Samsung" русумли телефон учун 150 АҚШ доллари олиб берадиган бўлади. Эртаси куни телефон қилса, Илҳомга учрагин, дейди. Илҳом 2016 йил апрель ойигача унга бўлиб-бўлиб, уч марта пул беради. Мамамазар яна 100 минг сўм тўлашни талаб қилади. Илҳом мен Ином билан уришиб қолдим, ўзингиз гаплашинг, дейди.

Шу йил 22 апрель куни кечки пайт М.Валиев икки нафар ўртоғи билан кафед-

И игирма уч яшар Мамамазар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Spark" русумли машинасида йўловчи ташиш билан шуғулланган. Ўтган йилнинг ноябрь ойи ўрталарида кечки соат ўнларда "Космонавтлар" мавзесига қўл кўтарган йўловчини машинасига миндириб олган. Таниши Илҳомжондан ташқари машинага нотаниш йигит чиқиб ўтирган. Мамамазар Илҳомжонни уйига элтиб кўйган. Нотаниш йигит эса мол бозоридан кейинги иккинчи кўча бошида тушиб қолган.

— Катта кўчага чиқиб қарасам, қўл телефоним йўқ, — дейди М.Валиев. — Сўнги бор Илҳом ака ва нотаниш кимса машинамга чиқиб ўтиришганида телефонда гаплашгандим. Илҳом ака тушиб қолганида ҳам ёнимда эди. Ортимга қайтиб, нотаниш йўловчини ахтардим, топа олмадим. Бир ҳафтача ўша маҳаллага бориб, сўраб-суриштирдим. Илҳом акани тасодифан кўриб қолдим. Ўша куни машинамга чиққан йигит теле-

Ака-ука фирибгарлар

Одилбек Обидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам икки марта суланиб, ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқармади. Аксинча, жиноятчиликнинг қоронғу кўчаларига ўз жигари, ўкаси Оғабекни ҳам етаклади. Шофиркон тумани Мирзоқул қишлоқ фуқаролар йиғинида рўйхатда туриб, Зангиота туманида истиқомат қилаётган ака-укалар товламчилик, фирибгарлик кун келиб юзларини қора қилиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмади.



Равшан ЗАЙНИЕВ,
Когон туман прокурори

Киракшлик қилиб юрган Оғабекнинг машинасига чиққан ошқадарёлик Мухаммад Абулов улфат одам қилиб қолди. Йўл устидаги ошхонага кириб тушлик қилишди. Дастурхон бошида, спиртли ичимлик таъсирида оғани ҳам тутинишди. Бу ишончли суиистеъмол қилган Оғабек "мижоз"нинг чўнтағидан 600 минг сўмлик қўл телефони, 4 миллион 800 минг сўм нақд пулга қўшиб, унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам яширин равишда ўмарди.

Қилмиши ҳақида акасига мақтаниб гапирган Оғабек Одиллов навбатдаги жиноятга қўл урди. У М.Абуловга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасига ўзининг

фотосуратини елимабди, ҳатто исм-фамилиясини ҳам ёзиб қўйди. Ушбу қалбаки ҳужжат билан Тошкент кўчаларида "Spark"ни бошқариб юраверди.

Ака-укалар қармоғига илинган Маҳзуна эса боши берк кўчага кирганини англаб етганида анча кеч бўлган эди. 2015 йил ноябрь ойларида Одилбек Обидов гўё Маҳзуна Тўраева билан бир тушақда бўлган пайтдаги фотосуратлари борлигини, бу суратларни унинг оила аъзоларига ва интернет тармоғи орқали тарқатиши мумкинлигини айтиб, аёлдан пул талаб қилади. Улар шу тариха М.Тўраева учун сир сақланмиш лозим бўлган маълумотларни тарқатиш билан кўрқитиб, қабиҳ ниятни тов-

ламачилик орқали амалга оширишади.

Аёллик шаъни, ор-номуси топталишини ўйлаган М.Тўраева ака-укага 2016 йил март ойи ўрталарида 3000 АҚШ доллари ва 600 минг сўм пуллари беради. Орадан озроқ вақт ўтиб М.Тўраевдан яна 1000 АҚШ долларини қўлга киритган товламачи ака-укалар узоқ бора олмадилар.


Суд ҳукмига кўра, Одил Обидов 8 йилга, Оғабек Одиллов эса 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Кимгадир сингил, кимгадир опа ва энг асосийси, бўлгуси Она бўлмиш қизларимиз доимо эъзода ва эътирофда десак, муболага бўлмайди. Айниқса, қиз боланинг шаъни муқаддас ҳисобланади. Аммо ор-номусини поймол қилаётган қизларнинг учраб туриши ачинарли ҳол, албатта.

Шаънини пуллаган...

Илҳомжон АЙДУСОВ,
Яккасарой туман прокурори
вазифасини вақтинча бажарувчи

Эндигина 20 ёшни қаршилаган Барно Шокирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Жиззахдан пойтахтга йўл олади. У ота-онасига Тошкентда қандолатчилик цехида ишлаяпман, деб ёлғон маълумот беради. Аслида у қўшмачилик ва фоҳишалик билан шуғулланиш мақсадида икки дугонасини ўзига шерик қилиб, уларни ҳам "мумай даромад топиб келамиз", деб кўндиради.



Жорий йилнинг 30 июль куни тахминан соат 13.30 ларда Барно қўшмачилик қилиш мақсадида дугоналари Дилором Парпиева ва Муқаддас Султоноваларни фоҳишалик билан шуғулланиш мақсадида Артур Николаев билан таништириб қўяди. Артур қизларнинг бошидан оёғигача разм солади.

— Қизлар чаккимас, ишқилиб юкумли касаллиги йўқми? — дея Артур Барно билан савдолашишни давом эттиради.

— Қизлар учун жавоб, ҳар бири учун 100 минг сўмдан берасиз,— деди Барно. Барно Артурдан 200 минг сўмини санаб олаётганда ИИБ ходимлари томонидан кўлга олинади.

Мақзур иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан Барно Шокировага нисбатан Жиноят қалъасининг тегишли моддаларига биноан жиноят содир этганликда айбланиш ҳақидаги жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Ошқарилик бўлими Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 5-бандига асосан тугатилди.

Берилган имкониятни сабоқ деб билиб, ўз хатолигини тегини хулоса чиқариб, келгусида ҳалол меҳнат қилиш ва тўғри турмуш тарзини олиб бориш эса Барно Шокированинг ўзига боғлиқ, ҳолос.

Аҳоли саломатлигини мустақкамлаш борасида республикамизда тиббиётга замонавий илғор технологиялар татбиқ этилиб, жаҳон стандарт талабларига жавоб берилган шифохоналар, тиббиёт масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Малҳам ўрнига...

Наргиза ИСЛАМОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим катта инспектори

Шунингдек, аҳоли эҳтиёжи учун сифатли дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда савдосини ташкил этиш мақсадида кўплай дорихоналар ташкил этилмоқда. Аммо ўз манфаатини устун қўйиб, фуқаролар соғлигини ўйламайдиган 90 млн. сўмга яқин дори-дармон воситаларини сотиш билан шугулланиб келганлиги аниқланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари томонидан бу каби сохта тadbиркорларнинг ноқонуний қилмишларини фош қилиш мақсадида ўтказилган тadbирда Кўкон шаҳрида яшовчи фуқаро Матлуба Тошбоева (исм-фамилиялар ўзгартirilган) доимий равишда сифатсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган дори-дармон воситаларини сотиш билан шугулланиб келганлиги аниқланди.

Унинг уйдан сотиш учун тайёрланган, сифат сертификатисиз ҳамда истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 90 млн. сўмга яқин дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Сохта тadbиркорга қилмишига яраша жазо муқаррарлиги таъминланди.

Мўмай даромад илчидаги Матлуба Тошбоева сингари "ишбилармонлар" сотган дори-дармонлари беморлар соғлиғига малҳам бўлиш ўрнига уларнинг соғлиғига хавф солиши мумкинлигини ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Бугун жамиятимиз ҳаётидаги ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодийимиз барқарорлигини мустақкамлаш, энг муҳими, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ва ҳалқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Нафақага кўз олайтирганлар

Бахрон ХУСАИНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим бош инспектори

Бу борада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ ҳамда устувор чора-тadbирлар белгиланиб, ихроси таъминланган.

Шундай бўлса-да, айрим шахслар пенсия таъминоти учун масъул вазифада ишлаб келгани ҳолда расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказмоқдалар. Масалан, Зомин туманидаги Почта алоқа тармоғи ходими Азиз Ҳасаров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзига ишониб топширилган фуқаролар Ш.Юлдашева, Ж.Уринбоева, К.Маматова, А.Абдуразоқов ва бошқаларга тарқатилиши лозим бўлган 7 млн. 681 минг 989 сўм пенсия ва нафақа пулларини тўлов қайдномаларига сохта имзолар киритиб, ўзлаштирди.

Табийки, биринчи "иш"дан сўнг А.Ҳасаровнинг иш-ҳаёти очилади. У жиний ҳаракатларини давом эттириб, фуқаролар Г.Эрназаров, С.Алимова ва бошқаларнинг тарқатилиши лозим бўлган 24 млн. 926 минг 253 сўм пенсия пулларини ўзлаштириб, жами 32 млн. 608 минг 243 сўм пенсия пулларини қалбақлаштирилган тўлов ведомости орқали ёпишга эришади.

Фуқаро Расул Шойманов ҳам А.Ҳасаровнинг йўлини тутганлардан бўлиб чиқди. У ҳам Зомин туманидаги Почта алоқа тармоғида ишлаб келиб, бир неча бор фуқаролар З.Абдурахмонова, Н.Турдибаева ва бошқаларга тарқатилиши лозим бўлган жами 16 млн. 565 минг 671 сўмлик нафақа пулларини ўзлаштириб, шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Нафс гирдобига тушганлар

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тadbиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш, профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик каби масалалар бурунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан тadbиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, ортиқча текширувлар ўтказиш каби ҳолатлар синчковлик билан аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан кескин чоралар қўрилиши таъминланаяпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш Давлат қўмитаси Республика сув ресурсларини муҳофазат қилиш бўйича Кегейли тумани Давлат катта инспектори С.Атаниязов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) мулкий наф қўриш истагида Кегейли туманидаги "Избасаров Рустем" фермер ҳўжалиги раҳ-



Султанбай ҚУРБАНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси бўлим бошлиғи

Шунингдек, Амударё туманида фаолият кўрсатувчи "Жалғош Абдиҳаликов" фермер ҳўжалиги раҳбари Ж.Абдиҳаликовнинг мурожаати асосида ўтказилган текширишда аниқланишича, АТ "Агробанк" Амударё туман филиали бошлиғи ўринбосари З.Халиков ва туман молия бўлими инспектори Ж.Базарбаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) фермер ҳўжалигининг бандага ҳисоб рақамидеги пулни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, қалбаки ҳужжатлар тузиб, талон-тороқ қилишган. Бу билан эса фермер ҳўжалигининг қонун билан қўрилмаган манфаатларига зарар етказишган. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлардан фермер ҳўжалигига етказилган зарарнинг қопланиши таъминланди ва уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Суднинг ҳукми билан З.Халиков ва Ж.Базарбаевлар қилмишларига яраша жазо олишди.



Ўзига чоқ қазиди

Шавкатжон МУҲАМЕДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи

Махфиратхон опанинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бошпана сўраб қилган мурожаатлари ниҳоят инобатга олинди. Икки нафар набиранинг боқувчиси, 2-гурӯх ногиронига вақтинча яшаб туриш учун кўпқаватли иморатдаги хонадоннинг қалити топширилди.

Махфиратхон опа уй сотиб олиш имконияти йўқлиги туфайли 2015 йилнинг июнь ойидан буён набиралари билан яшаб турган хонадонни ўзининг номига расмийлаштириб беришни сўраб, бир неча бор шаҳар ҳокимлигига мурожаат этади. 2016 йил апрель ойида яна шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшуносига учрайди. Маликашоннинг кўнгли юмшагандай эди.

— Ҳуқуқни муҳофазат қилиш идораларида танишларим бор, — дейди у. — Судда ишлаганимда, танишганман. Улар билан гаплашиб, ишингизни ҳал қилиб беришим мумкин. Лекин уларни рози қилиш керак...

Махфиратхон опа унга 500 минг сўм беради. Орадан уч кун ўтиб, Маликашон уни телефонда чақиради. У қўшни аёл билан ҳуқуқшуноснинг ҳузурига келади. Маликашон унинг ордерини унинг номига расмийлаштириш учун яна 1 млн. 600 минг сўм бериш кераклигини айтади. Бу гапни эшитиб, Махфиратхон опанинг боши котади. 2-гурӯх ногирони, оладиган нафақа пулидан бошқа даромади бўлмаса, бунча пулни қандай топиб беради? Алдаётган бўлса-чи?

М.Шарипованинг аризаси текширилиб, ҳолислар иштирокида ўтказилган тadbирда ногирон аёлдан 1 млн. 600 минг сўм пул олган М.Холдорова жиноят устида ушланди.

Суд унга энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорда жарима ва ахлоқ тузатиши ишлари жазосини тайинлади.

Пишмаган савдо

Саидқабар АБДУКАДИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Ўчтепа туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Мамлакатимизда валюта айирбошлаш жараёни ҳуқуқат томонидан тартибга солинган. Бироқ ҳали-ҳамон енгил даромад ортдан қувагани айрим кимсалар одамлар гавжум бўладиган жойларда қонунга хилоф равишда хорижий валюта олдиргани билан шугулланиб одамларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Шундай шахслардан икки нафари қилмишлари учун суднинг қора курсисидеа ўтиришга мажбур бўлишди.

Ўтган йилнинг январь ойи охирида Хурсанд Маликовга (исм-фамилиялар ўзгартirilган) таниши Мирзараҳим Ҳақимов кўнғироқ қилиб қолди.

— Холамга 13 500 "қоғоз" керак бўлаётган экан. Шунга ёрдам қилиб юбор, деб илтимос қилганди. Ўзингиз биласиз, бунча масалада бироз тортинув ҳам бўлмаган одамларга учраб бўлмайди. Шунинг учун сизга чиқаётганим ака, — деди илтимос оханда.


— Ўн уч ярим минг дегин... — Хурсанд бироз ўйлаб, хаёлан пулларини ҳисоб-китоб қилиб олди. — Тўғриси, менда унга пул йўқ, ака. Агар хоҳласанг, тўққиз минг қилиб бера оламан.

Шу тахлит давом этган сўхбат 1 АҚШ долларини қанчадан баҳолаш-у, учрашув вақти ва жойини белгилаш билан якунланди.

Шу кунги кечга томон Мирзараҳим бир нотаниш аёл билан айтилган манзилга етиб қолди. Х.Маликов уларга пeshов чиқиб, салом-алиқдан сўнг "иш" га кўчишди. Олди-берди борасида бироз тортинув ҳам бўлди. Нотаниш аёл "бюроتما"ни кўрмагунча пул бермаслигини айтиб қатъий турди олди. Шундан сўнг Хурсанд 9 000 АҚШ долларини унга узатди. "Мижоз" пулларни олиб, машинага ўтирган қўйи санашга киришди.

— Иккита кам экан, — деди санаб бўлиб. Бу ҳол Х.Маликовни таажубга солади. Аёлга бундай бўлиши мумкин эмаслигини, ўзи санаб қўришини айтиб, пулни қайтаришни талаб қилади. Бироз келишмовчиликдан сўнг савдони давом эттиришади. Аммо 8 800 АҚШ долларига ҳисобига 54 млн. 500 минг сўмдан ортиқроқ пулни қўлга киритган Х.Маликов пайдо бўлган СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимларини кўриб, "омади келмаганини" тушунди.

Жиноят ишлари бўйича Ўчтепа туман суди томонидан Х.Маликов ва М.Ҳақимовлар тегишли жазоларини олишди.



Апелляция рад қилинди

Лозаннадаги Спорт арбитраж суди (CAS) ФИФАнинг собиқ президенти Йозеф Блаттерга нисбатан чиқарилган жазо ҳақидаги қарорни ўз қучида қолдирди. Маълумот учун эслатиб ўтамоқчи, Блаттер ФИФА ахлоқ кўмитаси томонидан коррупцияда айбдор деб топилиб, 6 йилга футболдаги фаолиятдан четлатилган эди. Шундан сўнг Блаттер бу қарор юзасидан CASга шикоят берди. Бироқ суд унинг шикоятини рад қилди.



ОФКда йил сарҳисоби

Ўтган ҳафта Абу-Даби шаҳрида Осиё Футбол Конфедерацияси йилнинг энг яхшиларини тақдирлади.

Тадбирда дастлабки соврин — “Осиё Олмоси” Африка Конфедерацияси Президенти Исса Хайатуга топширилди. “Осиё Орзуси” соврини Қатар Футбол Ассоциациясига насиб қилди. Энг яхши федерация (ривожланган) совринига — Япония Футбол Федерацияси, Энг яхши федерация (ривожланаётган) совринига — Ҳиндистон Футбол Федерацияси, Энг яхши федерация (ривожланишга интилаётган) совринига — Бутан Футбол Федерацияси лойиқ кўрилди.

Оммавий футболни ривожлантириш бўйича соврин (ривожланишга интилаётган) — Бруней, ривожланаётган — Филиппин, ривожланган — Австралия давлатларига топширилди.

Йилнинг энг яхши аёл мураббийи, деб Чан Юен Тинг топилди. Йилнинг энг яхши эркак мураббийи соврини эса жамоасини Осиё чемпионлар лигаси голибига айлантирган Чои Канг Хига насиб қилди.

Бошқа китъада ўйнайдиган энг яхши осиелик футболчи номинациясига япониялик Шинжи Оказаки (“Лестер”) ва Шинжи Кагавалар (“Боруссия Д”) ҳамда жанубий корейлик футболчи Сон Хен Минлар (“Тоттенхэм”) даъвогарлик қилишди. Яқунда соврин Шинжи Оказакига насиб қилди.

Шундан сўнг йилнинг энг яхши аёл футболчиси номи эълон қилиниб, Кайтлин Форд (Австралия) олқишларни қабул қилиб олди. Йилнинг энг яхши эркак футболчиси мақоми эса ОЧЛ финалида мағлуб бўлган Умар Абдулрахмонга (БАА) насиб қилди.

Қолган номинацияларда Асқар Ҳасанзода (Эрон, “Йилнинг энг яхши футболчиси”), Риду Доан (Япония, “Энг яхши ёш футболчи”), Фука Наганолар (Япония, “Энг яхши ёш футболчи”) голибликни тантана қилишди.

Неймар учун рекорд нарх

Англиянинг “Манчестер Юнайтед” клуби бош мураббийи Жозе Мууриньо “Барселона” жамоасидан Неймарни харид қилиш орузси билан яшамоқда.

Неймар яқиндагина “Барселона” клуби билан шартномасини 2021 йилнинг ёзига қадар узайтиргани ҳам “МЮ” учун сабаб бўла олмади. Манбада қайд этилишича, клуб Бразилия терма жамоаси етакчисини сотиб олиш учун Польш Погбага сарф этганидан кўпрогини тўлашга рози.

Маълумот учун, “Манчестер Юнайтед” ўзининг собиқ аъзоси бўлган Польш Погбани “Ювентус” дан 105 миллион евро эвазига сотиб олган ва бу билан футбол тарихидаги энг қиммат трансферини амалга оширганди.



«Шапекознсе» Копа Судамерикана голиби деб эълон қилинди

Жорий йилнинг 29 ноябрь куни эрталаб футбол оламида ноҳуш хабар тарқалди. Копа Судамерикано финалида иштирок этиш учун Колумбияга парвоз қилган “Шапекознсе” жамоаси футболчилари минган самолёт Медельин шаҳри яқинида, аэропортга 50 км. масофа қолганида қулаб тушди.

КОНМЕБОЛ ташкилоти “Шапекознсе” клубининг финалдаги рақиби “Атлетико Насьонал” жамоаси томонидан берилган Бразилия клубини Копа Судамерикана голиби, деб эълон қилиш ҳақидаги таклифга рози бўлди.

Бу ҳақдаги қарор яқин кунларда эълон қилинади, деб хабар бермоқда AS. Бундан ташқари, “Шапекознсе” келаси мавсумда Копа Судамерикана

голиби сифатида Либертадорес кубогида ҳам иштирок этади.

Эслатиб ўтамоқчи, Бразилиянинг “Шапекознсе” клуби Копа Судамерикана мусобақаси финалида айнан “Атлетико Насьонал” клуби билан беллашиши лозим эди. Аммо жамоанинг самолёти бу ўйинга учиб кетаётганида ҳалокатга учради ва унинг деярли барча аъзолари ҳалок бўлди. Шундан



сўнг, “Атлетико Насьонал” клуби “Шапекознсе”ни Копа Судамерикана голиби, деб эълон қилишни таклиф қилган эди.

Роналду жиний жавобгарликка тортилиши мумкин

Мадриднинг “Реал” клуби ҳужумчиси Криштиано Роналду солиқ тўлашдан қочганига айбланиб, жиний жавобгарликка тортилиши мумкин, дея хабар қилмоқда CBS Sports нашри.

Роналду турли йўллар билан солиқ тўлаш мажбуриятидан қочган бўлиши мумкин, дея баҳоланмоқда. У Испанияда фаолият юритишига қарамай, ҳомийлик шартномаларини Дублиндаги Multisport Image Management компанияси орқали тузган. Маълумот ўрнида, Ирландияда фойдадан олинмайдиган солиқ 12,5 фоиз бўлса, ўша вақтлари Испанияда бу кўрсаткич 43,5 фоизга тенг эди.

Аваллрок, Spiegel

нашри Роналду агенти Мендеш томонидан ишлаб чиқилган тизим бўйича 150 млн. еврони яширганлигини хабар қилган эди. Бироз ўтиб, Мендешнинг компанияси Роналду барча солиқ мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида ариза билан чиққан.

Сўнгги маълумотларга қараганда,

Испания ҳукумати “Реал” клуби ва Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиано Роналдуга нисбатан жиний иш очмайдиган бўлди, дея хабар қилмоқда Cadena Core нашри. Хабарга кўра, футболчи йирик миқдордаги жарима билан қўтулади. Воқеалар ривожини кузатамиш...

«Арсенал» Баккага қизиқмоқда



Италиянинг “Милан” клуби ҳужумчиси Карлос Бакка январ ойида Англияга кўчиб ўтиши мумкин, дея хабар бермоқда Le Figaro.

Манбада келтирилшича, “Арсенал” клуби мутасаддилари колумбиялик 30 ёшли футболчининг хизматларига қизиқмоқда. Клуб чемпионлик учун курашда ҳужум чизигини кучайтириш мақсадида Баккани жамоага олиб келишмоқчи.

Бакканинг трансфер нархи 24 миллион еврога баҳоланган. Футболчи ўзининг “Милан” клубидаги ҳолатидан норози, аммо миланликлар уни қўйиб юбориш ниятида эмас.

Макгрегор энди профессионал боксда



ММА жангчиси Конор Макгрегор Калифорнияда боксда иштирок этиш учун лицензия олди. Ирландиялик спортчи UFCда икки вазн тоифаси бўйича ҳаҳон чемпиони ва энди у профессионал боксда ҳам ўз омадини синаб кўриши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларида эса Макгрегор ва Флойд Мейвезер жанги ташкил қилиниши мумкинлиги ёзилмоқда. Макгрегор бокс қоидалари бўйича жанг қилишга тайёрлигини билдирган. Олдинига Мейвезер ҳам бунга қарши эмасдек эди, бироқ сўнгги вақтларда унинг жамоаси бу мавзудан ўзини четга олишга ҳаракат қилмоқда.

— Флойд Мейвезер ҳозир Багам оролларида дам олмақда ва Макгрегор ҳақида ўйлагани йўқ. Агар улар Корнорни йўлдан олиб ташлашни истасалар, боксда кучларини синаб кўришсин, — дейди америкалик боксчининг маслаҳатчиси Леонард Эллерб.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Имом ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Табаррук айём муборак!



Файратли ва шижоатли инсонлардан бири, прокуратура фахриysi Ишазар Султонов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У фаолияти давомида Самарқанд вилоят прокуратураси тизимида Оқдарё туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратураси терговчиси, Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Сиеб туман прокурори, Самарқанд шаҳар прокурори, Пайарик, Жомбой, Булунғур ва Оқдарё туман прокурорлари лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатиб келаётган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Ишазар Султоновнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти давлатимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 30 августдаги Фармонида асосан "Жасорат" медалли билан тақдирланди.

Хурматли Ишазар Султонов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахриysi Феруза Сувонова қутлуғ 60 ёшни қарши олмақда.

У фаолияти давомида Қашқадарё вилоят прокуратураси тизимида Баҳористон туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматида сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Феруза Сувонованинг кўп йиллик хизмат фаолияти ҳуқуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 майдаги Фармонида асосан "Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

Хурматли Феруза Сувонова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, узоқ умр, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама (эълон)

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк жамоаси



Сиз азизларни мамлакатимиз Конституцияси куни байрами билан чин юракдан муборакбод этади! Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз! Байрам муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз.

«КОНСТИТУЦИЯ-2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

“Асака” банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Ҳуқуқ
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-7680. 37 877 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

